

**ТЕЗИС МАВЗУСИ: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯВИЙ
КЎРИНИШИ – ДЕМОКРАТИЯ АСОСЛАРИНИ
МУСТАХКАМЛАШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАН БИРИ**

Мирзабеков Фаррух Дурбекович,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати девони

Юридик бошқармаси етакчи маслаҳатчиси

3-даражали юрист

E-mail: mirzabekov.farrux@mail.ru

АННОТАЦИЯ: *Мазкур тезисда янги таҳрирда қабул қилинган Конституциядаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати фаолиятига оид ўзгаришлар ва уларнинг демократия асосларини мустаҳкамлашдаги аҳамияти ёритилган.*

Калит сўзлар: *Сенат, Сенатнинг мутлақ ваколатлари, вакиллик ҳокимияти, парламент назорати, қонунчилик таклифлари, қонун, сенатор.*

**ТЕМА ТЕЗИСА: СЕНАТ ОЛИЙ МАЖЛИСА РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН В РАКУРСЕ НОВОГО КОНСТИТУЦИОННОГО
ВИДЕНИЯ – ОДНО ИЗ ПРИОРИТЕТНЫХ НАПРАВЛЕНИЙ
УКРЕПЛЕНИЯ ОСНОВ ДЕМОКРАТИИ**

Мирзабеков Фаррух Дурбекович,

Ведущий консультант юридического управления аппарата

Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан

Юрист 3 класса

E-mail: mirzabekov.farrux@mail.ru

АННОТАЦИЯ: В данном тезисе раскрыты изменения в Конституции в новой редакции, касающиеся деятельности Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан, и их значимость для укрепления основ демократии.

В данной диссертации рассматриваются изменения в недавно принятой Конституции, касающиеся деятельности Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан и их значение в укреплении основ демократии.

Ключевые слова: Сенат, исключительные полномочия Сената, представительная власть, парламентский контроль, законодательные предложения, закон, сенатор.

**THESIS TITLE: THE NEW CONSTITUTIONAL VISION OF THE
SENATE OF THE OLIY MAJLIS OF THE REPUBLIC OF
UZBEKISTAN – ONE OF THE PRIORITIES OF STRENGTHENING
THE FOUNDATIONS OF DEMOCRACY**

Mirzabekov Farrukh Durbekovich

Lead Advisor of the Legal Department of the Office
of the Senate Office of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan,
E-mail: mirzabekov.farrux@mail.ru

ANNOTATION : This thesis reveals the changes in the Constitution in the new edition concerning the activities of the Senate of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan and their significance in strengthening the foundations of democracy.

Key words: the Senate, the exclusive powers of the Senate, representative power, parliamentary control, legislative proposals, law, senator.

Маълумки, халқ ҳокимиятчилиги турли шаклларда амалга оширилади: бевосита (сайлов, референдум, ва бошқа), шунингдек, давлат ҳокимияти органлари (вакиллик, ижро ва бошқа давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари) орқали. Парламент эса вакиллик органлари ичида алоҳида ўрин тутувчи олий давлат вакиллик органи ҳисобланади.

Демократик давлатларда парламент мамлакатнинг муаммолари ва эҳтиёжларини биргаликда ҳал қилиш учун кўпчилик ва озчилик гуруҳларини манфаатларини намоён этади.

Ҳар қандай демократик ҳукукий давлат қуриш йўлидан бораётган мамлакатнинг давлат ҳокимияти органлари тизимида парламентнинг ўрни беқиёсдир. Зеро, парламент – мамлакат аҳолиси томонидан сайланадиган вакиллик органи, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг соҳиби, демократик давлат тузумининг ажралмас институтидир. [1, Б.300]

2005 йилдан миллий парламентимиз, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палата, яъни юқори палата – Сенат ва қуйи палата – Қонунчилик палатасидан иборат қилиб шакллантирилди ва бу муҳим сиёсий жараён ҳисобланади. Худудий вакилликни ифода этувчи орган сифатида Сенат фаолиятининг йўлга қўйилиши Ўзбекистон давлатчилиги ривожланишида катта қадам бўлиб, ҳар бир худудни ҳисобга олиш, уларни эшитиш имкониятини кенгайтирди.

Профессор И.А.Коньохованинг фикрига кўра, давлатда икки палатали парламентнинг мавжудлиги давлатнинг турли давлат ҳокимияти органлари олдида керакли даражада фаоллигини таъминлаши мумкин, бу қонун ижодкорлиги жараёнига, жумладан, ҳокимиятлар бўлиниши принципи нуктаи назаридан янада оқилона ёндашишга ёрдам беради [2, Б.11].

Маълумки, Сенат жамиятнинг турли ижтимоий қатламлари ва сиёсий партиялар манфаатларини акс эттирувчи Қонунчилик палатасидан фарқли равишда барча худудларнинг манфаатларини ҳисобга олади.

Парламентнинг юқори палатаси давлат бошқарув тизимида мустақил

орган бўлмай, у парламентнинг бир қисми ҳисобланади. Демократик давлатларда парламент ўз ролини бажараётганда, унинг юқори палатаси ҳам ўз вазифаларини тўлиқ бажаради [3, Б.13].

Охирги йилларда барча соҳаларда ислоҳотлар олиб борилаётган вақтда халқ сайлаган вакиллик органи бўлган парламентнинг аҳамияти ҳам янада юксалиб бормоқда. Айниқса, Сенат юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотларда муҳим ўрин тутмоқда. Қонун ижодкорлиги, парламент назорати, парламентлараро муносабатлардаги фаолияти ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари билан ҳамкорлик Сенатнинг самарали фаолиятини кўрсатиб беради.

Сенат фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонунига, “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг регламенти тўғрисида”ги, “Парламент назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Шу билан бирга Сенат фаолиятининг ҳуқуқий асослари сўнгги йилларда такомиллашиб бормоқда деса муболаға бўлмайди. Буни юқоридаги ҳуқуқий асосларга киритилаётган ўзгаришлардан ҳам билиш мумкин.

Жумладан, Янги таҳрирдаги Конституцияда Сенатнинг мутлақ ваколатлари сони 14 тадан 18 тага оширилди ва унинг мутлақ ваколатлари қаторига қуйидаги ваколатлар ҳам қўшилди:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг вазирликларни ва бошқа республика ижро этувчи ҳокимият органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш *(муқаддам ушбу ваколат палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирган)*;

- Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги ва халқаро ташкилотлар ҳузуридаги дипломатик ҳамда бошқа ваколатхоналари раҳбарларининг ўз фаолияти масалалари бўйича ҳисоботларини эшитиш;

- davlat organlarining mansabdor шахсларига парламент сўровини юбориш ва парламент назоратининг бошқа шакллари амалга ошириш;
- маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига ўз фаолиятини амалга оширишда кўмаклашиш;
- маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қарорларини, улар қонунчилик нормаларига мувофиқ бўлмаган тақдирда, бекор қилиш;
- Қонунчилик палатаси тарқатиб юборилган даврда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қонунларни қабул қилишга доир ваколатларини бажариш, бундан Конституция ва конституциявий қонунлар мустасно.

Шу билан бирга айрим мансабдор шахсларни лавозимига сайлаш билан боғлиқ ваколатлар Сенат зиммасига юкланди.

Ушбу ўзгаришлардан келиб чиқиб Сенатнинг парламент назоратидаги роли оширилганлигини айтиш мумкин.

Р.Ш.Караев парламент назоратини “давлат ҳокимияти ижро этувчи органлари фаолиятини доимий ёки ситуацион кузатиш, компетенция ёки ташаббускорлик билан текшириш, шунингдек бундай текширув натижасида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш ва уларнинг мумкин бўлган оқибатларининг олдини олиш бўйича турли қонуний чора-тадбирлар мажмуи сифатида белгилайди [4, Б.76].

Маълумот учун: Жамият ҳаётининг турли соҳаларидаги долзарб масалаларни ҳал этишда мобайнида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан назорат-таҳлил фаолияти кучайтирилган. 2020 – 2024 йилларда Сенат томонидан **35 та** парламент сўрови, давлат органлари мансабдор шахсларига **1360 та** сенатор сўрови юборилган.

Сенат қўмиталари томонидан қонун ҳужжатларининг ижроси ҳолати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш ҳамда Давлат дастурларининг ижроси устидан самарали парламент назоратини амалга ошириш мақсадида 2020-2024 – йилларда **300 дан зиёд** назорат-таҳлил тадбирлари ўтказилган.

Жумладан, Янги таҳрирдаги Конституцияда “қонунчилик таклифларини киритиш институти” жорий этилганлиги ва Сенатга қонунчилик таклифларини қонунчилик ташаббуси тартибида Қонунчилик палатасига киритиш ҳукуқи берилиши муҳим ҳисобланиб, қонун ижодкорлиги мантиқий давоми ҳисобланган Сенатнинг назорат фаолияти вақтида сенаторлар томонидан аниқланган муаммо ва камчиликлар, қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этишга хизмат қилади.

Қонунчилик таклифи институти – бу қонунчилик ташаббусининг бир тури бўлиб, кейинчалик Қонунчилик палатасида қонун лойиҳасига айланадиган бўлажак қонуннинг асосий ғояси ёки концепциясини ваколатли субъектлар томонидан таклиф этиш ҳуқуқидир [5, Б.138].

Қонунчилик таклифларини киритиш институти жорий қилиниши ҳамда Сенатга бу борада ваколатлар берилиши норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тизимида қонунларнинг улуши ортишига, қонуности ҳужжатларини камайтиришга, қонун лойиҳаларини ўз вақтида ишлаб чиқиш орқали жамиятдаги ва қонунчиликдаги муаммоларни ўз вақтида ҳал этилишига, халқни қонун ижодкорлиги жараёнига жалб этилишига шароит яратади.

Б.Шантебу парламентнинг назорат вазифалари ҳақида тўхталганда, ҳатто тарихий жиҳатдан қонунчилик вазифаси ҳам назорат функциясидан келиб чиққан, деб хулосага келган. [6, Б.78]

Шу билан бирга, конституциявий ислохотлар натижасида Сенат аъзолари жами 100 нафардан 65 нафарга қисқартирилди. Бунда, ҳар бир маъмурий-ҳудудий бирликдан 4 нафардан сенатор сайланиши, 9 нафари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланиши белгиланди.

Шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари ҳам кенгайтирилиб, Ўзбекистон Республикаси давлат қарзининг энг юқори миқдорини белгилаш, Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги ҳар йилги миллий маърузани эшитиш, парламент текширувини ўтказиш каби ваколатлар

палаталарга берилди. [7, Б.34]

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, бош Қомусимиздаги бу ўзгаришлар Сенат фаолиятини янада кенгроқ миқёсда самарали давом эттириш ҳамда унинг давлатимиздаги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётида янада фаолроқ иштирок этишини таъминлайди. Қонун ҳужжатлари билан Сенат ваколатларини кенгайтириш, унинг давлат бошқарувидаги ўрни ва иштирокини кучайтириш борасидаги ислохотлар албатта демократия асосларини мустаҳкамлашга қаратилгандир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек: *Демократия қаердан бошланади – парламентдан бошланади. “Парламент – демократия мактаби”, деймиз. Шундай экан, миллий парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши керак.* [8]

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Баглай М.В., Туманов В.А. Малая энциклопедия конституционного права. -М.: Бек, 1998.- С.300;
2. Конюхова, И.А. Двухпалатность как принцип организации национальных парламентов: опыт России и мировая практика // Журнал российского права. – 2004. № 1. С. 11–117;
3. Верхняя палата современного парламента: сравнительно-правовое исследование / В. И. Чиркин. – М. : Норма : ИНФРА-М, 2011;
4. Караев Р. Ш. Конституционно-правовые формы парламентского контроля за исполнительной властью в Российской Федерации: дис.... канд. юрид. наук: 12.00.02. Ростов-на-Дону, 2005. С. 76;
5. Янгиланаётган Конституция. 100 саволга 100 жавоб. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти. – Тошкент. “Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2023 йил. – 138 б.;

6. Керимов А.Д. Парламентское право Франции. – М.: Норма, 1998. – С. 78;
7. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. [Matn] Rasmiy nashr. – Toshkent: “O‘zbekiston” nashriyoti, 2023. – 80 b. 34-36 betlar;
8. Мирзиёев Ш.М. Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислоҳотларнинг ташаббускори ва асосий ижроچиси бўлиши керак // Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маъруза, 2017 йил 12 июль (<https://old.gov.uz/uz/news/view/11348>).